

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Раисининг биринчи ўринбосари М.Мирзаевнинг фаолият қўрсаткичлари
бўйича маълумот**

**Бюджет даромадлари ижросини таъминлаш ва қўшимча манбаларни жалб
этиш**

2022 йилнинг январь ойи учун белгиланган 10,8 трлн.сўм прогноз қўрсаткичи 11,3 трлн.сўмга (105,1%) бажарилиб, бюджетга 550 млрд.сўм қўшимча маблағлар жалб этилди (тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 трлн.сўмга (124,5%) ўсди).

Январ ойи тушуми қуидаги манбалар ҳисобидан таъминланди:

- ҳисобланган соликларни ундириш ҳисобидан 10 трлн.сўм (88,5%);
- йил бошидаги мавжуд солик қарзини ундириш ҳисобидан 502,1 млрд.сўм (4,4%);
- солик назорати тадбирлари ҳисобидан 272,8 млрд.сўм (2,5%);
- солик базаси ошириш ва яширин иш ўринларини легаллаштириш (хуфёна иқтисодиётни қисқартириш) ҳисобидан 400,8 млрд.сўм (3,6%);
- янги лойиҳалар ва қўшимча солик обьектларини ҳисобга олиш ҳисобидан 112,5 млрд.сўм (1%) бюджетга туширилди.

Жорий йилнинг январь ойида бюджетга қўшимча маблағларни тушириш назорат рақамлари ҳақиқатда 0,6 трлн.сўмга ёки 0,1 трлн.сўм ортиғи билан бажарилди.

**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига
тушумларни таъминлаш бўйича**

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича 2022 йил январь ойи учун белгиланган **2,1 трлн.сўм** прогноз 2,4 трлн.сўмга ёки 114,7 фоизга бажарилди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича қўшимча маблаҳлар фуидаги вилоятлар томонидан бажарилди.

Стратегик режалаштириш бўйича

Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда солик маъмурчилиги ва солик органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси билан “2022-2026 йилларда солик маъмурчилиги ва давлат солик хизмати органларини ривожлантириш Стратегияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталогини жорий этиш ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон расмийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 249-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси мутахассислардан иборат тузилган ҳолда, маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги мунтазам равишда янгиланиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги “Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги 322-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Асл белгиси” Миллий ахборот тизимида 6 та дори воситалари ва тиббий буюмларни, 5 та сув ва салқин ичимликларни 5 та майший техника ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхатдан ўтказилиб маҳсулотлар каталоги модулига синов тариқасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар юзасидан тегишли маълумотлар (116 та дори дармон, 33 та сув са салқин ичимлик, 762 та майший техника) жойлаштирилиши таъминланди.

Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бўйича

2022 йилнинг январь ойида жами 28 та 8 371,5 млн. сўмлик солиқ низосига оид шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг барчасини белгиланган тартибда кўриб чиқилиши таъминланган.

Хусусан, бугунги кун ҳолатида келиб тушган шикоятлар солиқ тўловчи вакиллари билан ҳамкорликда кўриб чиқилиб, 5 та (8%) 649,8 млн. сўмлик мурожаатда солиқ тўловчининг позицияси қаноатлантирилган.

Шунингдек, 23 та (92%) 7 721,7 млн. сўмлик мурожаат бўйича давлат солиқ хизмати органлари қарорлари ўз қучида қолдирилди ва бу ҳақда белгиланган тартибда тушунтиришлар берилди.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича қисмига

Жорий йилнинг январь ойида Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекцияда рўйхатга олинган 946 та корхоналарнинг солиқ маъмурчилиги натижадорлигини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, 2022 йилдан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун мазмун-моҳияти бўйича 170 та йирик солиқ тўловчилар билан 4 марта семинар ўтказилди, телевидение, радио ва матбуотда 6 марта чиқишлар ташкил этилди.

Жорий йилнинг 1-чораги учун 21,7 трлн. сўм, жумладан, январь ойи учун 7,0 трлн. сўм прогноз белгиланган бўлиб, ушбу прогноз 7,1 трлн. сўмга ёки 101 фоизга бажарилиши таъминланди.

Шунингдек, КҚС бўйича 1-чорак учун 4,2 трлн. сўм, жумладан, январь ойига 1,3 трлн. сўм прогноз белгиланган бўлиб, 1,2 трлн. сўмга ёки 95 фоизга бажарилиши таъминланди. Январь ойида КҚС тушуми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 158 млрд. сўмга ошган.

Йирик солиқ тўловчиларнинг жойлашган жойига бормасдан, яъни, улар фаолиятига аралашмасдан хавфни таҳлил қилиш асосида солиқ назорати тадбирлари амалга ошириш тизими 2022 йилда ҳам давом эттирилиб, натижада январь ойида бюджетга жами 208 млрд. сўм қўшимча солиқлар ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарорига асосан солиқ хавфи юқори бўлган ташкилотлар бўйича тизимли иш ташкил этилди.

Хавфни таҳлил қилиш асосида январь ойида 61 та камерал, 13 та сайёр ва 1 та солиқ аудити (жиноят иши бўйича) тадбирлари ўтказилди. Дастлабки ҳисоб-

китобларга кўра мазкур камерал солиқ текширувларида 103,3 млрд.сўм қўшимча солиқлар ҳисобланди.

ДСҚнинг “Таҳлика-таҳлил” дастурига киритиш учун ЭҲФ ва онлайн НКМ билан боғлиқ бўлган хавфни таҳлил қилиш ва баҳолаш мезонлари таклиф сифатида ишлаб чиқилди.

“Автокамерал” дастурида 319 та йирик солиқ тўловчилар бўйича аниқланган тафовутларни кўриб чиқиши ишлари ташкил этилди.

ҚҚС занжири узилишини (tax.gap) ҳисоблаш формуласи татбиқ этилмайдиган корхоналар рўйхатига киритиш учун 25 та йирик солиқ тўловчилар номзоди шакллантириб, асослантирган ҳолда қўмита Раисига киритилди ва розилик олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарори билан белгиланган тартибда ҚҚС манфий суммаларини қоплаш бўйича зарур тадбирлар ташкил этилиб, январь ойида жами 0,8 трлн.сўм ортиқча тўлов камайтирилди.

Субъектлар ҳисботлари ҳамда банк ва божхона томонидан тақдим қилинган маълумотларни ўзаро солишириш ва таҳлил қилиш орқали бюджетга 193 млрд.сўм қўшимча маблағ ундирилди.

Солиқ кодексининг 103-105-моддаларига асосан январь ойида йирик солиқ тўловчиларнинг ортиқча тўловлари ҳисобидан солиқ қарзларини қоплаш учун 23,5 млрд.сўмга ва ҳисоб рақамига қайтариш учун 107,7 млрд.сўмга тегишли хулосалар тайёрланиб, ижрога қаратилди.

Солиқ кодексига асосан солиқ қарзи ҳисобига корхоналар мол-мулкини хатлаш, таъқиқ қўйиш, валюта ҳисоб рақамига тақдимнома юбориш, МИБ билан ҳамкорликдаги амалий тадбирлар орқали 186 млрд.сўм солиқ қарзи ундирилди.

Ташқи савдо операциялари доирасида тузилган шартномалар бўйича даъво муддати ўтган кредитор қарздорликларга йўл қўйган 282 та субъектларга жами 1 489,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредиторлик қарздорликларини даромадига олиш бўйича хабарномалар юборилди.

2022 йил 1 февраль ҳолатига